


ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари стратегик мулоқотининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Ташқи ишлар бўйича комиссия девони раҳбари, ташқи ишлар вазири Ван И бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Хитой ташқи ишлар вазири мамлакатимиз етакчисига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг самимий салом ва энг эзгу тилакларини етказди.

Давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги сайй-ҳаракатлари туфайли икки томонлама муносабатлар мисли

кўрилмаган юксак даражага кўтарилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 14 миллиард долларга етди, қўшма корхоналар сони қарийб 5 мингтани ташкил қилмоқда, йил бошидан буён Хитойдан салкам 15 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилди. Технологик шериклик

лойиҳаларининг портфели 90 миллиард долларга яқинлашди.

Юқори технологиялар, “яшил” ва атом энергетикаси, сунъий интеллект, транспорт, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, геология, кимё ва бошқа йўналишлардаги ҳамкорликни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Барча даражаларда алоқалар фаоллашди, икки мамлакат ҳудудлари самарали ҳамкорлик қилмоқда, таълим ва маданий-гуманитар соҳада мазмунли алмашинувлар давом этмоқда.

Ўзбекистон етакчиси навбатдаги олий даражадаги тadbбирларга пухта тайёргарлик кўриш ҳамда икки томонлама ҳамкорликни янги амалий мазмун билан бойитиш зарурлигини таъкидлади.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш лойиҳасини фаол амалга ошириш ва уни бошқа транспорт йўлаклари билан боғлаш муҳимлиги қайд этилди.

Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш ва хавфсизлик масалаларида сайй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Кўп томонлама форматларда яқин сиёсий мулоқот ҳамда ҳамкорликни давом эттириш, олий таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда камбағалликка қарши курашиш, туризм ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш зарурлиги таъкидланди.

Шу йилнинг ноябрь ойи охирида Ўзбекистонда бўлажак Хитой маданияти кунларининг муваффақиятли ўтказилишига ишонч билдирилди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК, АРХИВ ИШИ ВА ЮРИДИК ТАЪЛИМ СОҲАЛАРИДА САМАРАДОРЛИК ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 ноябрь куни интеллектуал мулк, архив иши ва юридик таълим соҳаларини ислоҳ қилишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Кейинги йилларда интеллектуал мулк соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Соҳада 51 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, Ўзбекистон 8 та халқаро шартномага қўшилди. Интеллектуал мулк ҳимояси кучайтирилиб, унга оид ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо қатъийлаштирилди, жиноий жавобгарлик белгиланди. Божхонада “ex officio” тартиб-таомили киритилиб, контрафакт товарларни йўқ қилиш тартиби жорий этилди, ҳар йили “Контрафактсиз ой” ойлиги ўтказилмоқда.

Интеллектуал мулк объектларининг сони 102 мингтадан ошди, хорижда маҳаллий ва Ўзбекистонга кирган хорижий брендлар муҳофазаси кенгайтирилди, Самарқанд нони, Чуст пичоқлари, Марғилон адреси каби 23 та географик кўрсаткич рўйхатдан ўтказилди.

Бу ишлар натижасида мамлакатимиз Глобал инновациялар индексида 14 поғона юқорилаб, 79-ўринга кўтарилди.

Тақдимотда соҳани янада ривожлантириш режалари кўриб чиқилди. Жумладан, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Режага кўра, патент ва гувоҳномаларга ўзгариш киритиш жараёнида содда-лаштирилди, 5 та композит ва 4 та проактив хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳолати Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингига инобатга олинган тартиб жорий қилинди.

Барча олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида патентлаш, ишлаб чиқаришга киритиш ҳамда тижоратлаштиришга қўлақлаштиш марказларини очиб, дастлаб Миллий университетда, кейинчалик яна 4 та олийгоҳда “Интеллектуал мулк объектлари менежменти” йўналишини ташкил этиш кўзда тутилган.

Ижодкорлар ва мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида ҳар йили 5 та номинация бўйича “Энг яхши интеллектуал мулк объектлари” танловини ўтказиш таклиф қилинди. “Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” махсус кўкрак нишони таъсис этилиб, 26 апрель — Бутунжаҳон интеллектуал мулк кунига топириб борилиши белгиланди.

Миллий географик кўрсаткичлар тизимини мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди. Етмишга яқин географик кўрсаткичнинг рўйхатдан ўтказиш, Лиссабон тизимига аъзо бўлиш орқали миллий маҳсулотлар қийматини ва экспорт салоҳиятини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Архив ишини модернизация қилиш масалалари муҳокама қилинар экан, бүгунги кунда юртимиз архивларида 16 миллионга ҳужжат тўплами, шу жумладан, 1,3 миллионга алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатлар сақланаётгани қайд этилди.

Бухоро амири қушбегиси маҳкамаси ва Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” рўйхатига киритилган.

Шу билан бирга, ҳужжатларни рақамлаштириш суръати йилга атиги 2 фоизни ташкил қилмоқда. 2030 йилга қадар архив фондининг рақамлашув даражасини 60 фоизга етказиш, алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатларни тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Бунинг учун соҳадаги ахборот тизимларини Ягона миллий архив ахборот тизимига бирлаштириш, ҳужжатларни радиочастотали идентификация (RFID) технологияси орқали ҳисобга олиш ва он-лайн кузатиш тизимини жорий этиш, ҳужжатларни таснифлаш ва таниш жараёнига сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш режалаштирилган. Туман (шаҳар) архивларининг вазифалари ҳудудий архив бошқармаларига ўтказилди.

“Шажара” ахборот тизимини йўлга қўйиш таклифи билдирилди. Янги хизмат фойдаланувчиларга ўз шажарасини яратиш, тугилиш, никоҳ ва ўлим ҳақидаги маълумотларни, генетик маълумотлар асосида узоқ қариндошларини излаш имконини яратди.

Юридик таълим ва фанни янада ислоҳ қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Тошкент давлат юридик университетиде клиник ва дуал таълимни жорий қилиш режалаштирилган. Талабаларнинг амалиёт дарслири улуши 50 фоизга етказилди, фуқаролик, жиноят ва бизнес ҳуқуқи йўналишларида юридик клиникалар ташкил этилади. Замонавий ҳуқуқ талабаларидан келиб чиқиб, “Рақамли ҳуқуқ” ва “Корпоратив ҳуқуқ ва бошқарув” каби янги таълим йўналишлари очилади.

Шу билан бирга, “таълим — тадқиқот — амалиёт” занжири асосида факультетларнинг ташкилий тузилмасини янгилаш ва кафедраларни босқичма-босқич шўъбаларга айлантириш, университетнинг профессорлар кенгашини ташкил этиш таклиф этилди.

Тақдимотда қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш ва тартибга солиш юқини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу ишлар доирасида аҳамияти ва долзарблигини йўқотган 800 га яқин меъёрий ҳужжатни бекор қилиш, 77 та ҳужжатни қайта кўриб чиқиш, тадбиркорлар учун 15 дан зиёд ортиқча талабаларни қисқартириш орқали бизнес юритиш шароитларини енгилаштириш режалаштирилган. Қонунлар самарадорлигини баҳолаш орқали коллизия норма ва ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этиб борилади.

Президентимиз тақдим этилган ангиланишларни тизимли жорий этиб, муҳокама қилинган соҳаларда самарадорликни, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулайликларни янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗА

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

Ислохотларимиз самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИСЛОХОТЛАР ИСТИҚБОЛИ
ИЖРО ИНТИЗОМИГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон тараққиётнинг янги даврига қадам қўйган айни паллада ўзгаришлар қириб бормаган бирор соҳа ёки тармоқ деярли қолмади. Халқимизнинг фаровон ва соғлом яшashi, мамлакатимизнинг жаҳонда ўз обрў-эътиборига эга бўлиши, одамларнинг ҳаётдан розилигига эришиш, замон талабларига мос билимли, маънавий-маданий жиҳатдан юксак авлодни тарбиялаш, хуллас, инсоннинг туғилиб камолга етиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур жараёнда энг муҳим ўзгаришлардан бири давлат ва халқ бирлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани, бошқарув органларининг аҳолига яқинлашгани, қисқача айтганда, Президентимиз илгари

сурган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ўта ҳаётий принципининг амалга кўчгани билан тавсифланди.

Давоми 3-бетда

Минтақавий бирдамлик:
ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ САРИ
МУҲИМ ҚАДАМ

Нуктаи назар

Пойтахтимизда Президентимиз раислигида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг муваффақиятли ўтказилган еттинчи Маслаҳат учрашуви минтақамизнинг стратегик мустақиллиги, иқтисодий барқарорлиги ва экологик хавфсизлиги йўлидаги муҳим босқични белгилаб берди.

Бу саммит шунчаки музокаралар платформаси бўлибгина қолмай, минтақа давлатларининг ўз тақдирини ўз қўлига олиш, умумий манфаатлар атрофида бирлашишга бўлган қатъий сиёсий иродасининг ҳам аққол намойиши бўлди. Бугунги кунда Марказий Осиё нафақат жадал тараққиёт макони, балки дунё геосиёсатининг асосий субъекти сифатида шаклланимоқда, бунда Президентимизнинг прагматик дипломатияси муҳим ўрин тутмоқда.

Давоми 2-бетда

Самарқанд мозий ва келажакнинг яхлит, уйғун қиёфаси акс этган шаҳар. Сўнгги кунларда муаззам кент ЮНЕСКОнинг 43-Бош конференцияси минбарига айланди.

Бу нуфузли анжуман одатда глобал миқёсда таълим, фан, маданият ва ахборот сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб келади. Шунинг учун у ўтказиладиган шаҳар сифатида Самарқанднинг таъиниши йирик

халқаро ташкилотнинг оддий протокол қарори даражасидан анча юқори турадиган, мазмунан чуқур рамзий маънога эга.

Давоми 5-бетда

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА НАВБАТДАГИ ҚУРИЛМАНИ ТУҲФА ЕТАЯПТИ

5

МЕҲР-ОҚИБАТНИНГ ЧИН ТАРҒИБОТЧИСИ ЭДИ

6

Ўзбекистон Президентининг “Янги Ўзбекистон” газетасида чоп этилган “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласини минтақада кейинги йилларда рўй берган кескин ўзгаришлар, халқларимиз ҳаётини яхшилаш йўлидаги янгиланишлар кўзгуси, бу борада галдаги устувор вазифаларнинг кенг таҳлили дейиш мумкин. Зеро, мақолада қайд этилганидек, “Бугун биз кучли, барқарор ва фаровон минтақа — янги Марказий Осиёнинг мустаҳкам пойдеворини яратмоқдамиз”. Пировардида минтақа дунё ижтимоий-иқтисодий, сиёсий харитасида кейинги йилларда шиддат билан ривожланиётган ҳудуд сифатида эътироф этилмоқда.



Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган тизимли ўзгаришлар ва глобал хатарлар Марказий Осиё минтақаси мамлакатларини ўзаро яқин ҳамкорликка ундаётган муҳим омиллардан бирига айланди. Шу билан бирга, мазкур хатарлар Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ва стратегик манфаатларини уйғунлаштириш, интеграция жараёнини чуқурлаштириш заруратини янада кучайтирди. Минтақа давлатлари ўртасидаги бу яқинлашув нафақат иқтисодий барқарорликни таъминлаш, балки минтақавий хавфсизлик, ижтимоий барқарорлик ва инновацион ривожланишни рағбатлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, жаҳон иқтисодиётидаги глобал хатарлар Марказий Осиёнинг стратегик бирликка интилишини кучайтирмоқда.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари минтақанинг бугунги тараққиёти ва келажагига дахлдор стратегик масалалар бўйича ҳамкорликда умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллашнинг янгича механизми сифатида кўринмоқда.

манбан бўлиб келган масалага нукта қўйилгани миллионлаб инсонларга қулайлик яратмоқда. Қолаверса, бу келишув алоҳида чуқур ўйланган ёндашув сифатида бутун дунё жамоатчилиги эътиборини қозонди.

Мақолада минтақа мамлакатлари томонидан тасдиқланган 2025-2027 йилларда саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар режасига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур режани минтақанинг иқтисодий интеграциясини чуқурлаштириш ва барқарор саноат ривожланишини таъминлашга қаратилган муҳим стратегик ҳужжат дейиш мумкин. Чунки бу режа минтақада инновацион ишлаб чиқариш муҳитини шакллантириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ишлаб чиқариш занжирларини глобал қиймат тизимига интеграциялашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, Марказий Осиёнинг умумий саноат сиёсатини мувофиқлаштириш, минтақавий барқарорлик ва ўзаро ишончини мустаҳкамлашда ҳам стратегик аҳамият касб этади.

Марказий Осиё ўтган қисқа даврда жаҳоннинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий тараққиёти мазкур ҳудудсиз

кечаслигини амалда исботлай олдики, Президентимиз бу жараёни Марказий Осиёнинг янги минтақавий ўзинга хослиги вужудга келмоқда деб баҳолади.

Минтақамизда қўшничилик — хавф эмас, имконият, бир тарафнинг муваффақияти — барчанing ютуғи деган ягона минтақавий маконга мансублик ҳисси шаклланаётгани минтақавий жипслашувни янада мустаҳкамлаш, барқарор ва фаровон янги Марказий Осиёни барпо этишга замин яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёни барқарор ривожлантиришда қуйидаги стратегик йўналишларни илгари сурмоқда.

Биринчидан, минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришни давом эттириш — мавжуд механизмларни мустаҳкамлаб, минтақавий институтлар ҳамкорлигини тизимли ривожлантириш.

Иккинчидан, хавфсизлик соҳасида таҳдид ва хатарларга қарши курашиш бўйича умумий салоҳиятни шакллантириш. Хавфсизлик кенгашлари қотиблари, махсус хизматлар, муҳофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини давом эттириш. “Хавфсизликнинг бўлинмаслиги” принципи асосида минтақавий ҳамкорлик амалдаги халқаро механизмлар билан узвий боғлиқлиги бўйича тизимли ишлар олиб бориш.

“**Учинчидан**, иқтисодий соҳада ички минтақавий савдони ривожлантириш, чегаралардан ўтиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва ўзаро инвестициялар учун қулай шароитлар яратиш. Саноат кооперациясини фаоллаштириш, минтақавий ва ҳудудлараро етказиб бериш занжирларини шакллантириш, чегараолди савдо зоналарини ривожлантириш, транспорт ва иқтисодий йўлақлар тармоғини кенгайтириш, транспорт, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва рақамли иқтисодиёт соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш.”

Тўртинчидан, гуманитар ҳамкорликни устувор давом эттириш. Инсон капиталини ривожлантириш, таълим, илм-фан ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш. Умумий ахборот маконини яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш сифатини ошириш, умуман, ижтимоий соҳа, жумладан, туризм ва ёшларга оид қўшма дастурларни ривожлантириш.

Бешинчидан, Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи сиёсатда келишилган ёндашувларини ишлаб чиқиш.

Мазкур ташаббуслар Марказий Осиё давлатларининг ички ресурс ва салоҳиятини бирлаштириш орқали минтақанинг барқарор иқтисодий ўсишига, хавфсизлик тизими мустаҳкамланишига ҳамда ташқи ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни янги босқичга қўтаришга хизмат қилади.

Президентимиз илгари сурган стратегик вазифалар нафақат минтақавий барқарорликни таъминлаш, балки Марказий Осиёни глобал ривожланиш жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиришга замин яратиши билан аҳамиятлидир.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Маслаҳат учрашувининг асосий стратегик ютуғи сифатида Озарбайжон Республикасининг форматга тўлақонли аъзо сифатида қўшилишини эътироф этиш жоиз. Бу Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасидаги табиий-тарихий кўприқни тиклади. Мазкур кенгайиш нафақат савдо-иқтисодий алоқаларни кучайтиради, балки трансгегарвий экологик муаммолар, жумладан, Каспий ва Орол денгизлари муҳофазасига қарши биргаликда курашиш учун янги имкониятлар туғдиради.

Президентимизнинг минтақа муносабатларини Маслаҳат учрашуви шаклидан “Марказий Осиё ҳам-жамияти” деб номланувчи институционал форматга айлантириш таклифи Котибият ва Оқсозқоллар кенгаши ташкил этиш орқали бу ҳамкорликка мустаҳкам сиёсий ва ҳуқуқий асос яратади.

“**Биз, депутатлар Президентимиз ташаббусларининг аксарияти айнан экологик барқарорлик ва ресурслардан оқилона фойдаланиш каби устувор йўналишларга қаратилганини алоҳида қадрлаймиз ва бунини минтақанинг келажаги учун ҳал қилувчи омил деб биламиз.**”

Бинобарин, бугунги кунда Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари, ҳаво ифлосланиши, чўлланиш ва сув тақчиллиги каби кескин муаммолар билан юзма-юз турган бир пайтда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Марказий Осиёнинг “яшил” тараққиёт концепциясини тез фурсатда қабул қилиш зарурати иқтисодий ривожланиш моделини тубдан ўзгаришга қаратилган дастурий талабдир.

Концепция асосида энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш ва “яшил” инвестицияларни рағбатлантириш орқали иқтисодиётнинг “ўтларод изи”ни камайтириш кўзда тутилади. Айнан шу “яшил” стратегия минтақани халқаро молиявий институтлар учун янада жозибадор ҳамкор сифатида кўрсатади.



— Йигилишда ташқи меҳнат миграцияси соҳасида жорий йилда қилинган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ахборот берилди. — дейди камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Ботир Зоҳидов. — Бугун хориж меҳнат бозорига маалаки мутахассисларга эҳтиёж катта. Айни пайтда 140 минг мутахассисга бюртма мавжуд. Аммо тил ва касбий малака бўйича талабларга жавоб бера оладиган мутахассисларнинг тайёрлаш борасида қилинадиган ишлар хали кўп. Энг муҳимларидан бири — чет элга ишлаш учун кетаётган фуқароларнинг малакасини тасдиқлаш ва баҳолаш тизимини йўлга қўйиш.

Дарҳақиқат, хориждами ёки юртимизда фуқаронинг касб ва малака даражаси тасдиқланган бўлса, самарадорликка яраша даромад ҳам ортади. Бу йўналишда кейинги икки ойда қатор лойиҳалар ишга туширилди. Хусусан, Европа давлатларида тал олинадиган касбни тасдиқлаш тизими, яъни сертификат ва диплом бериш пилот лойиҳалари бошланган.

Яна бир йўналиш — фуқароларни ишга йўллаштиришда юқори даромадли, муносив меҳнат шароитлари яратилган ташқи бозорлар имкониятини ўрганиш. Бу бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар белгилан олинди.

Бугун барча соҳада бўлгани каби миграция тизимида ҳам рақамлаштириш долзарб аҳамият касб этади. Мазкур тизимда хизмат кўрсатиш жараёнини сунъий интеллект технологиялари ёрдамида тақомиллаштириш давр талаби.

Рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматовнинг қайд этишича, бугун тегишли барча давлат ташкилотига ягона давлат миграция тизими йўлга қўйилган. Хорижда меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаро ҳақидаги маълумотлар киритилган. “Хорижда иш” платформасида 25 турдаги хизмат тақдим этилмоқда.

Йигилишда Президентимиз аҳолига қулайлик яратиш мақсадида бу мобил иловани янада кучайтириш масаласини кўйди. Сунъий интеллектни қўллаган ҳолда хорижда ишга бораётган ёки у ерда ишлаб турган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш ўринларини аниқлаш, қонунчиликдаги

Ҳамкорликдаги энг муҳим ва ҳаётини ташаббус сув ресурсларига тааллуқлидир. Сув тақчиллиги қучайиши миллий хавфсизлик ва аҳолининг яшаш шароитларига бевосита таҳдид солаётган бир пайтда Президентимизнинг 2026-2036 йилларни “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилиш таклифи тарихий аҳамиятга эгадир.

Бу шунчаки бир шпор эмас, балки сув тежамкор иқтисодиётга ўтиш, замонавий ирригация тизимларини оммавий жорий этиш ва сув ҳўжалигини тубдан модернизациялаш учун ўн йиллик аниқ ҳаракатлар дастурини талаб қилади. Қолаверса, Тошкентда кадрларни профессионал тайёрлашга қаратилган Сув ҳўжалиги соҳасидаги минтақавий ваколатлар марказини ташкил этиш ташаббуси ҳам технологик ривожланиш ва интеллектуал инвестиция сифатида катта аҳамият касб этади.

Афғонистонни Амударё ҳавзаси сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича минтақавий мулоқотга фаол жалб қилиш зарурати фақат хавфсизликни таъминлаш эмас, балки минтақавий ресурслардан барқарор ва адолатли фойдаланиш орқали умумий фаровонликни яратишга қаратилган прагматик сиёсат намунасида. Бу масалаларни ҳал этиш орқали минтақадаги асосий таҳдидлардан бири — сув тақчиллиги минтақалараро можорага айланишининг олди олинади.

Маслаҳат учрашувида эришилган иқтисодий ва инфратузилмий келишувлар ҳам экологик мантиққа эга. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича 2035 йилгача мўлжалланган дастур ва Инфра-тузилмани ривожлантириш кенгаши ташкил этиш орқали “Житой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли каби устувор лойиҳаларни амалга ошириш, буларнинг бари минтақамизни “кам ресурс — юқори даромад” тамойилига ўтказишга хизмат қилади.

“**Биз, халқ вакиллари бу лойиҳаларда “яшил йўлақлар” ва экологик хавфсиз транспорт тамойилларига қатъий риоя қилинишини истаимиз. Шунингдек, қабул қилинган Минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик концепцияси ҳам минтақанинг ўз хавфсизлиги учун бирлашган ҳолда масъулиятни зиммасига олаётганини кўрсатади.**”

Умуман олганда, Маслаҳат учрашуви Ўзбекистоннинг прагматик, масъулиятли ва стратегик давлатчилик ёндашувининг ёрқин кўриниши бўлди. Президентимиз илгари сурган ташаббуслар Марказий Осиёда абадий дўстлик ва экологик барқарорлик асосларини янада мустаҳкамлашга қатъий ишонамиз.

Ойбек РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати

Инсон қадри учун

Миграция сиёсати ҳар қандай давлат учун муҳим йўналишлардан биридир. Узоқ йиллар давомида мамлакатимизда бу соҳа ниҳоятда оғриқли эди. Минглаб ватандошларимиз чет элга қонунларни билмай, ҳеч қандай шартнома тузмай, энг оддий кафолатларсиз кетишга мажбур эди.

Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳар қадамда бузилар, иш ҳақи тўланмас, машаққатли меҳнат шароити, очиқ эксплуатация ва камситиш ҳолатлари кўп учради. Кўплаб хорижий мамлакатларда ўзбеклар ҳуқуқий бўшлиқда қолиб кетар, қаерга мурожаат қилишни билмас, юридик ёрдамдан маҳрум, айрим ҳолларда инсофсиз воситачиларнинг қўлига тушиб қоларди.

Ачинарилсини, меҳнат муҳожирлари оилар давомида ертўлада яшаган, дам олмай ишлаган, ҳужжатларидан айрилган, депортация марказларига тушган. Оила аъзолари эса йиллар давомида улардан хабар қутиб яшашга мажбур эди.

Умуман олганда, муаммо кўлами кенг эди. Бу оғир вазиятни тубдан ўзгартириш Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси ва 2017 йилдан бошланган изчил ислохотлар туфайли амалга ошди. Айнан шу ўзгаришлар йиллар давомида тўпланиб келган муаммоларни бар-тароф этиш, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бутун тизимни янги босқичга қўтариш учун бурилиш нуктаси бўлди.

Миграция соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий базаси тубдан қучайтирилди, тегишли қонунлар қабул қилинди, ҳимоя механизмлари ишлаб чиқилди. Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тўлиқ ва самарали тизими шакллантирилди. Консуллик хизмати кенгайтирилди, 24/7 режимида ишлайдиган ишонч телефонлари ишга туширилди. Соҳада янги рақамли хизматлар жорий этилди. Элчихона ва дипломатик ваколатхоналар фаолияти қучайтирилди.

Бу борада алоҳида эътибор хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилди. Чет элга чиқишдан олдинги тайёргарлик, малака ошириш, қонуний меҳнатга йўналтириш механизми ишлаб чиқилди. Шунингдек, хориждаги ҳамюртларимиз билан учрашиб, муаммоларни ўрганилди. Иш бевувилар билан музокаралар олиб борилиб, қонунбузарликлар йўналича ҳуқа кўрилди. Ушбу ишлар хорижий идоралар, хорижий муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлади.

Бугун ишонч билан айтиш мумкин: Ўзбекистоннинг миграция сиёсати тартибсизлик ва бекарорлик йўлидан чиқди. Энди бу йўналишда тартиб, қонунийлик, инсоний ҳимоя ва давлат масъулияти биринчи ўринга қўйилди. Хорижда ишлаётган юртдошларимиз ва оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган имтиёзлар кўлами кенгайди. Чет элда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш, хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини йўлга қўйиш борасида салмоқли ишлар қилинди. Пировардида тизим билан боғлиқ вазият тубдан ўзгарди. Бу — фуқароларнинг чет элда ишлаши учун шароит яратиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кафолатли меҳнат бозори билан таъминлаш, юртимизга қайтиб келгандан кейинги ҳаётига бефарқ бўлмаслик каби саъй-ҳаракатларда намоён бўлмоқда. Янгича ёндашувлар туфайли минглаб юртдошларимиз биринчи марта давлат уларни оғир шароитда ташлаб қўймаслиги, балки ҳуқуқ ва қадр-қимматини ҳимоялаш учун амалда ҳаракат қилаётганини ҳис этди.



Давлатимиз раҳбарига 18 ноябрь кунини ташқи меҳнат миграцияси тизимини тақомиллаштириш ва миграция жараёнини халқаро стандартлар асосида йўлга қўйиш масалалари юзасидан ахборот берилди. Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларни меҳнат қилиш учун чет элга тартибли жўнатиш бўйича бажарилаётган

тизимли ишлар туфайли меҳнат бозори диверсификация қилинмоқда. Фуқаролар асосан юқори маошли иш ўринларида ишлаш учун хорижга кетмоқда. Натижада 2016 йилга нисбатан чет элда ишлаётган фуқаролар сонини камайтган бўлса-да, улар юборган маблаг 3,8 миллиард доллардан 2025 йилнинг ўн ойи якунида 15,8 миллиард долларга етди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

Ислоҳотлар истиқболи ижро интизомига боғлиқ

Масъулият ва натижа

чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда ўрнатилган қатъий тартиб асосида маданият соҳаси ривожига ҳам тизимли ишларнинг изчил давом этишига жиддий тўртки берди.

Ушбу ҳужжатлар талаблари асосида маданият соҳасида масъул шахсларнинг жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш, қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш борасида комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Бу жараёнда ижро интизими, шахсий масъулият ва ташаббускорлик асосий тамойиллар қилиб олинди. Иш самарадорлигини оширишда “Ijro.gov.uz” электрон тизими қўл келмоқда.

Натижалар ҳам ҳаракатга яраша. Жорий йилнинг 10 ойи давомида вазирлик томонидан Президентимизнинг 30 та фармони, 86 та қарори, 2 та фармойиши ва 46 та баёни доирасида берилган жами 1367 та топшириқ ижроси таъминланди.

Шунингдек, жорий йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида Маданият вазирлиги томонидан бажарилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг жами 363 та топшириғи мавжуд. Уларнинг 255 таси (70 фоизи)да вазирлик асосий ижрочи этиб белгиланган. Албатта, бу топшириқлар сони йил якунига қадар бундан ҳам кўпаяди.

Йил давомида топшириқларнинг ижро ҳолати бўйича вазир ва вазир ўринбосарлари раҳбарлигида 60 дан ортиқ муҳокама бўлиб ўтди.

Қонунчилик ҳужжатлари, қўйилган вазифалар моҳияти ва аҳамиятини қўйи тузилмалардан тортиб, ҳодимларга тезкор етказиш, назорат бандлари ва топшириқларни бажаришда ташкилот раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги таъминланган. Юқори ва қўйи тизимлар ўртасида тезкор ички ахборот алмашишуви жараёни тўлиқ электрон форматта ўтказилган. Бу эса соҳага доир

белгиланиши бўйича “йўл хариталари” (ҳаракат режалари) ўз вақтида ишлаб чиқилиши қатъий назоратга олинган.

Қабул қилинаётган ҳужжатлар ва топшириқлар ижросини назорат қилишда марказий аппаратларда, тармок ва ҳудудий бошқарув органларининг ўрта ва қўйи бўғинларида ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганишга, эришилган пировард натижаларга, камчиликлар ва муаммоларнинг сабабларига, фойдаланилмаган захираларга, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ҳокимликларнинг ташкил этиладиган электрон маълумотлар базаси

Давлатимиз раҳбари соҳа бўйича ўтказётган йиғилишларда, қабул қилётган ҳужжатларда бугун маданият ва санъат жабҳасини янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, муаммоларни тизимли ҳал этиш, ёшларнинг бадиий-эстетик дини тарбиялаш, маънавий савиясини ошириш, уларнинг қалбида ижодкорлик, бунёдкорлик, эзгулик туйғуларини камол топтиришга доир қатор чора-тадбирларни белгилаб берапти.

Уларнинг ижросини ўз вақтида ва бекаму кўст таъминлаш орқали эзулик зиёсини, азалий қадриятлар ва замонавийлик нафасини мамлака-



асосида “Ijro.gov.uz” ижро интизими идораларо ягона электрон тизимида ўз вақтида ҳисобот берилишига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2024 йил 13 мартдаги “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ва ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг янги тизими, яъни энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРЛ) жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 апрелдаги 282-қарорию муовий маданият вазири ва ўринбосарлари фаолиятининг 2025 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичи (КРЛ)лари, “йўл харитаси” ҳамда чора-тадбирлар дастури тасдиқланган.

Жорий йил учинчи чорак учун белгиланган 48 та кўрсаткич “samaradorlik.uz” электрон платформасида вазир ва ўринбосарлари кесимда тақсимланган бўлиб, ушбу режа амалда 100 фоиз бажарилди.

Жамоатчилик назорати — қилинаётган ишлар сифати ва натижадорлигини очик муҳокамадан ўтказадиган қудратли куч. Айни жиҳат ҳисобга олиниб, оммавий ахборот воситаларида тегишли қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг моҳияти, аҳамияти ҳамда уларни амалга ошириш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар кенг жамоатчиликка тушунтирилмоқда. Тизимдаги мута-садилар ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда бу борада фикр-мулоҳазаларини билдириб, жамоат ташкилотлари ва маҳаллаларда учрашувлар ўтказяпти. Зотан, халқ баҳоси — олий мезон!

Эзгулик зиёси кенг ёйилмоқда

Маданий-маърифий ва санъат соҳасидаги ишлар юрдошларимизнинг руҳий, маданий, маънавий савиясини янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлӣ. Демак, Президентимизнинг

Муқаддас бурч

Барча жабҳадаги шиддатли ислоҳотлар маданият соҳаси вакиллари олдида ҳам жиддий талабларни қўймоқда. Уларга тўла жавоб бериш учун бугун ўзимизни ҳам, иш ўсубилимизни ҳам такомиллаштириб боришимиз шарт.

Халқимизнинг ҳурмати ва ишончига муносиб бўлиш, давлатимиз раҳбари олдимизга қўйётган зарларни, ўз навбатида, машаққатли вазиятларни бажариш барчамиздан юксак масъулият, ҳамжиҳатлик, бир ёқадан бош чиқариб, бир мушт бўлиб меҳнат қилишни талаб этади.

Биз энди катта марраларни кўзламасак, мақсадларимиз чегараларини янада кенгрок олмасак, соҳада ривожланишини таъминлаш қийин.

Соҳага доир ҳўжатнинг ижросига киришар эканмиз, аввало, ўзимиз учун мазмун-моҳиятини, ҳаётий аҳамиятини чуқур англашимиз зарур. Шу маънода, маданият соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш учун тизимда ишлаётган ҳар бир ходим ижро интизимида қатъий риоя этишини, ўз устида ишлашни, билим ва салоҳиятини, маънавиятини мунтазам бойитиб боришни кундулик вазифасига айлантириши керак.

Ижро интизими — ислоҳотлар истиқболи демак. Шундай экан, зиммамизга юкланаётган ҳар бир вазифани сидқидидан, юксак дид, билим ва маҳорат билан, энг муҳими, ўз вақтида адо этишимиз эл-юртимиз олдидаги муқаддас бурчимиздир. Ватанимизни жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторида қўриш, тинч ва фаровон ҳаётда умргузаронлик қилиш, халқимизнинг азалий ору-умидларига етиши бизнинг ана шу бурчимизни қай даражада урдалаётганимизга ҳам боғлиқ.

ҚўШНИ МАМЛАКАТЛАР
БИЛАН ЎЗARO ҲАМЖИҲАТЛИК
ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ
ЯНГИ МАРРАЛАРГА ОЛИБ
ЧИҚАДИ. ЭНГ МУҲИМИ, ГЛОБАЛ
МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ
БИРГАЛИҚДА ТОПИЛАДИ.

Қўшничилик — минг йилчилик

Шодиёр ХЎЖАНАЗАРОВ,
меҳнат фаҳрийси



Ёшлигимизда уйда бирор тансиқ таом пиширилса, отам, албатта, қўшнига узатишимизни таъкидларди. Таомни олиб борганимизда қўшнлар ҳам куруқ қайтармасди. Шу сабаб бу ишни бажаришга доим тайёр эдик. Худди шу жараён қўшнининг уйида ҳам такрорланарди. Болаларча фикрлаб: “Нега бир-биримизга егулик узатишимиз керак экан?” деб ўйлардим. Баъзида эринчоқлик туйғайи бундан бир оз ранжиганим ҳам рост. Шунда катталар танбех бериб, барибир қўшничилик ришталарини тўхтатмаган. Улғайгач, билдим — бу азалий қадрият, ўзаро ҳурмат, ҳеч бир китобда ёзилмаган одабийликнинг бир қўриниши экан.

Тошкент шаҳрида Президентимиз раислигида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ҳам ўзига хос қўшничилик ришталарини боғловчи муҳим воқеа бўлди. Учрашувини диққат билан кузатиб бордик. Жуда катта тарихий янгилликларга бой ўтган тадбир Озарбайжон ва қўшни давлатлар билан ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқди.



Тарихга назар ташласак, асли қозоқми, қирғизми ёки тожик, туркман, озарбайжон — барчамизнинг илдиришимиз бир. Шундай экан, бугун қўлни қўлга бериб, елкама-елка ишлаш ҳар бир давлатга катта манфаат келтиради.

Умримнинг асосий қисми қишлоқ ҳўжалигида ўтмоқда. Бугун ёшим саксонда. Ҳамон шу соҳада фаолият юритаман. Маслаҳат учрашуви жараёнида давлат раҳбарларининг айнан озиқ-овқат хавфсизлигига эътибор қаратгани мен учун қувонарли бўлди. Бу келишувлар эртага ҳар бир мамлакатнинг ободлиги, фаровонлиги, бозорлари тўқинлигига хизмат қилади. Бунинг учун қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам ўзаро таъриба алмашиш зарурати пайдо бўлади. Шу пайтга қадар бу борада ҳамкорлик деярли йўқ эди. Энди бу ишлар йўлга қўйилиб, қўшни мамлакатларнинг етакчи мутахассислари билан таъриба алмашилади. Уларнинг услуби ўрганилади. Шунингдек, биз ҳам таърибамиз билан ўртоқлашамиз.

Туркманистон билан ҳам кенг қўламли алоқалар янада мустаҳкамланиши борасида қатор келишувларга эришилди. Жумладан, “Шовот — Тошхувуз”, “Олот — Фороб” чегара олди ҳудудларида савдо зонасининг ташкил этилиши дўстлигимизни янада мустаҳкамлайди.

Бугун биргина Қашқадарёнинг ўзида туркман миллатига мансуб қўлаб юртдошларимиз яшайди. Улар доим биз билан ака-ука каби иноқ. Тўй-маъракамиз бир. Топганимизни бирга баҳам қўриб, яшаб келмоқдамиз.

Қўпчиликка маълум: вилоят Туркменистон билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Қишлоқ ҳўжалиги ерларини суғоришда Аму-дарёдан фойдаланиб келамиз. Айрим насос станцияларимиз Туркменистон ҳудудида жойлашган. Шундай бўлса-да, бир неча йилдан буён насосларимиз узлуксиз ишлаб келмоқда. Аввал насослар учун баъзи ускуналари олиб ўтишда муаммога дуч келардик. Ҳозир бундай масалалар қолмади.

Қўшни мамлакатлар билан ўзаро ҳамжиҳатлик юртимиз иқтисодиётини янги марраларга олиб чиқади. Энг муҳими, глобал муаммоларнинг ечими биргалиқда топилади. Чўланишга қарши бирга курашиб, иқлим барқарорлигига эришилади. Асосийси, ота-боболаримиз айтганидек, қўшничилик — минг йилчилик аънаси бардавом бўлади.



Озбек НАЗАРБЕКОВ,
маданият вазири

Бошланиши 1-бетда

Бунга осонликча эришилгани йўқ. Ўтган йиллар мобайнида, нақадар мушкул бўлмасин, давлат бошқаруви механизмларини янгилаш, халқ билан мулоқотнинг содда ва самарадор усул ҳамда услубларини ҳаётга татбиқ этиш, энг муҳими, раҳбар ҳодимлар ва давлат хизматчиларининг онгу тафаккури, дунёқарашини ўзгартиришга ҳал қилувчи омил сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Президентимиз ҳамма бўғиндаги раҳбарлардан аввалгидек барча шароитларга эга замонавий кабинетларда ўтириш эмас, балки “қўйига тушиб”, маҳаллама-маҳалла, хонадонма-хонадон юриб ишлашни, зиммасидаги топшириқ ва вазифаларни юксак масъулият билан, виждонан бажаришни талаб қилмоқда.

Жойлардаги муаммоларни тизимли ҳал қилишга асос бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаси халқимиз муҳокамасига қўйилаётгани, одамларнинг фикри, муносабати, тақлифлари ўрганилаётгани уларнинг ижросини таъминлашни осонлаштирмоқда.

Қайси соҳада ислоҳотга киришлар экан, унга доир ҳўжатни пухта тайёрлашга жиддий эътибор берилаётган бўлса, ижросида муваффақият ва самарага эришиляпти. Амалга оширилаётган бундай ишлар мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш йўлидаги стратегик мақсадларни рўёбга чиқаришнинг қудратли воситасига айланмоқда.

Шахсий жавобгарлик — ҳал қилувчи омил

Қонунлар, Президентимиз фармон ва қарорлари, фармойишлари ижросини таъминлашда, шубҳасиз, давлат идоралари ҳамда ташкилотларда ижро интизими қатъий йўлга қўйилган бўлиши керак. Зеро, ҳар қанча ҳўжат ёки қарор зарур бўлса, уни ишлаб чиқиш, қабул қилиш мумкин. Аммо ана шу ҳўжатларнинг ҳаётдаги ижроси таъминланмаса, ислоҳотлар натижадорлиги кўринмайди. Ҳаётдаги, ён-атрофидagi ўзгаришларни ҳар бир инсон ҳис этиши учун ҳам ижро жуда муҳим.

Шу боис, давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки давриданоқ давлат идоралари ҳамда ташкилотларда ҳодимларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, ижро интизомини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда.

Давлатимиз раҳбари кенгайтирилган тартибда ўтказилган бир неча селектор йиғилишларида қонунчилик ҳўжатлари ижросини самарали йўлга қўйиш бўйича комплекс вазифаларни аниқ белгилаб берди.

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳўжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшима чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борада муҳим дастуриямал ҳўжат бўлди.

Фармон билан қабул қилинаётган қонунчилик ҳўжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда барча даражадаги ҳодимларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар белгиланди.

Қонунчилик ҳўжатлари ва топшириқларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ва аҳолига тезкор етказиш, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жорий, ўрта муддатли ва истиқболдаги вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича шошилинч ҳамда тезкор чоралар қўриш мақсадида ягона тизим жорий этиладиган бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизими идораларо ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда 2025 йил 25 июлдаги “Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча



қонунчилик ҳўжатлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг қилишда самара бермоқда.

Вазирликда ижро интизомини мустаҳкамлаш ва топшириқлар ижросини барвақт таъминлаш мақсадида душанба кунини вазир, жума кунини вазир ўринбосари бошчилигида муҳокамадан ўтказиб келинади.


Соҳадаги янгиланишларга доир тегишли ҳўжатлар лойиҳалари тайёрланиши устидан вазирнинг шахсий назорати йўлга қўйилган. Уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан пухта ўтказилиши, ваколатли давлат бошқаруви органларида ўз вақтида келилишини таъминланмоқда.

Қонунчилик ҳўжатлари ва топшириқлар ижрочиларга тезкор етказилиши, жумладан, уларда



қўйилган вазифаларнинг моҳияти ва аҳамияти кенг жамоатчилик ҳамда аҳоли ўртасида тушунтирилиши, назорат бандлари ва топшириқларда аниқ механизмлар, муддатлар ва масъуллар

янги Ўзбекистонни барпо этиш ва мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек буюк мақсади рўёи маданий-маърифий ислоҳотлар самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ,



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ҚЎШИ УЧУН
QR-КОДИН СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

Бугун дунё глобллашув жараёни ва рақамли технологиялар йўлига ўтди. Бу эса ёшлардан янгидан-янги касбларни ўрганиш, замонавий йўналишларда ўзини синаб кўришни тақозо этмоқда. Бундай касб-хунарлар орасида фрилансер, сунъий интеллект мутахассиси, рақамли маркетолог, DataScientist, робототехника муҳандиси, биомуҳандислик, франшизинг кабиларга талаб юқори бўлиши башорат қилинмоқда.



Нурбек ТОШКАНОВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси



Франшизинг йирик ва кичик тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатлар тизими бўлиб, бунда кичик фирмалар ишлаб чиқариш технологиясидан фойдаланиш учун машҳур фирма маҳсулотлари ёки хизматларини сотиш, шунингдек, машҳур савдо белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади. У французча “франчисе” сўздан олинган бўлиб, “имтиёз”, “афзаллик” маъносини билдиради. Бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда франшизинг шартларида товар ва хизматларни сотиш даражаси ортиб бормоқда. Мисол учун, АҚШда бутун чакана савдонинг учдан бир қисмидан кўпрогига франшизинг тақдим қилинган. Австралияда тезкор хизмат кўрсатиш корхоналари умумий савдосининг 90 фоиздан ортиги франшизинг шартларида фаолият юритади. Ундан дунёнинг 70 дан ортиқ давлати фойдаланади.

Франшизингнинг тўртта тури мавжуд. Жумладан, ишлаб чиқариш франшизинги. Бунда франчайзер фирма (франшизани берувчи) маҳсулот патентига эгалик қилади, франчайзи (франшизани олувчи) фирма эса ушбу маҳсулотни франчайзер фирма технологияси бўйича сотади.


Тарқатиш франшизинги. Бунда франчайзер фирма фақатгина товарни сотиш технологиясига эгалик қилади, товар эса бошқа етказиб берувчидан сотиб олинади. Хизмат-

лар франшизингида франчайзер хизмат кўрсатиш технологиясини сотади. Шунингдек, саноат франшизингида эса франчайзер ҳам хизмат кўрсатиш, ҳам сотиш технологиясини сотади.

Франшизинг шартларидаги тизим франчайзи томонидан фойдаланиладиган интеллектуал мулк объекти, шунингдек, саноат намуналари, фирма номлари, товар белгилари ва ноу-хау технологияларига бўлган ҳуқуқларни ўз ичига олган шартномалар пакетидир. Франшиза товар ёки хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш усуллари, қайта ишлаш ва сотиш бўйича ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятига нисбатан таътиб қилиниши мумкин.

Технологияларни қўллашнинг мобил ва мустақил шакли ҳисобланган франшизинг иштирокчилар учун кўплаб афзалликлар тақдим этади. Энг асосий имтиёзи франшизингнинг тақдим қилувчи (франшизер) учун унча кўп бўлмаган сармоа билан ўз фаолиятини тезкор кенгайтириш ва янги бозорга кириб бориш имкониятидир.

Юртимизда франшизингнинг ҳуқуқий тартибга солишнинг қонуний асослари Вазирлар Маҳкамасининг “Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан мустаҳкамлаб қўйилган.



ЗАМОНАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ ҚАНДАЙ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ?



Франшизинг йўлга қўйилган бизнесни унинг барча кўринишларида амалга ошириш ҳуқуқини беради. Франшизинг фойдаланувчиси бозорда ўз ўрнини топиши учун рақобатчилар билан курашишни шарт эмас, у франшиза эгасининг фирми номи ва товар белгилари билан ишончли ҳимояланган бўлади. Франшизани олувчи ўз фаолиятини машҳур товар белгиси, яъни аллақачон ом-

малашган фирма номи ва хизмат кўрсатиш белгиси остида юритади. Франшизинг тизими сотув бозорига янги рақобатчилар пайдо бўлишига ёрдам беради, товар белгилари рақобатини кучайтиради.

Ўзбекистонда франшизинг пайдо бўлганига унча кўп бўлмади. Бироқ аллақачон бу бизнес тури оммалашиб бормоқда. Юртимизда франшизингдан, асосан, саноат, туризм ва таълим соҳаларида кенг

аниқлашга ёрдам беради. Шу билан бирга, тижоратлаштиришнинг мазкур шакли йирик сармовий харажатлар заруратини юзага келтирмайди. Франшизинг натижасига кўра, бозордаги технологияларни янада кенгайтириш, инновацион технологияларни қўллаш орқали ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Аваллоқ таъкидлаб ўтилганидек, қонунчилигимизда франшизинг комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси деб номланади. Шартнома бўйича тақдим этиладиган мулк ҳуқуқлар комплекси ўз ичига фирма номи, товар белгиси, ихтиролар, фойдали модель, саноат намунаси, тижорат сирини, муаллифлик ҳуқуқи кабиларни қамраб олади. Шу сабабли комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Фуқаролик кодексидан ташқари 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги ва 2006 йил 20 июлдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунлар билан белгиланган бўлади.

Франшизингнинг шартномасида маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича франшиза олувчининг ҳодимларини ўқитиш ҳам назарда тутилган. Негаки, халқаро амалиётга кўра, франшизинг шартномаси, асосан, икки ёки ундан ортиқ давлатда жойлашган тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузилади. Бу эса ўз-ўзидан франчайзер томонидан франчайзи турган давлатда тегишли маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш бўйича ўқитишни ташкил этишни талаб қилади. Франчайзида ҳам ҳодимларини ўзи турган давлатда ёки франчайзер турган давлатда ўқитиш эҳтиёжи мавжуд бўлади.

Франшизингнинг технологияни тижоратлаштириш шакли сифатидаги жозибадорлиги шундаки, у бозорни синовдан ўтказиш, унинг аниқ сигими ва бозор талабини

фойдаланилмоқда. Масалан, хизмат кўрсатиш (“KFC”), меҳмонхоналар (“Hilton”, “Hyatt Regency”), ичимликлар (“Coca-Cola”, “Pepsi”) каби тармоқлардаги брендлар шулар жумласидан.

Франшизингнинг технологияни тижоратлаштириш шакли сифатидаги жозибадорлиги шундаки, у бозорни синовдан ўтказиш, унинг аниқ сигими ва бозор талабини

ЮРТИМИЗДА ҚАДР ТОПИБ, ҚАДДИМИЗ ТИК БЎЛДИ

Тақдир битигини ўзгартириш имконсиз. Аммо уни бошқаларга тушунтириш муаммо. Мушарраф опа илгари ҳар сафар имконияти чекланганини исботлаш учун идорама-идора юрaverиб ҳолдан тойдир қоларди. Нар и борса, бир йилга етмасидан нафақа тўхтаб қолар, яна тиббий кўрикдан ўтиш зарур эди. Шифокорларнинг ҳулосаси учун эшикма-эшик кириб чиқар, аксига олиб, уларнинг бири топилса, иккинчиси йўқ бўларди.



Бугуннинг гапи

Айтилган ҳужжатларни йиғиб чиққунча бир-икки ой ўтиб кетарди. Бу эса соғлиғига ҳам салбий таъсир етарди. Гоҳида югур-югурдан чарчаб, нафақадан воз кечган пайтлари бўлди. Афсуски, имконсизлик уни яна ҳаракатга ундарди. Шундай пайтда қўлига яна қозғ олиб, мурожаат қилишга мажбур бўлар, аммо хатига жавоб ҳам тезда келавермасди. Бир амаллаб, яна бир йилга қадар нафақани тайин қилиб оларди.

Янги Ўзбекистондан инсон қадри учун бошланган ислохотлар сабаб вазият тубдан ўзгарди. Хусусан, ногиронлиги бўлган кишилар учун ҳам катта имтиёзлар берилди. Муҳими, уларни қўлаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Ҳар бир маҳаллага ижтимоий ҳодим бириктирилди, иш юратилган бўлди.

— Аввал биргина нафақа олиш учун ҳам қанча сарсон бўлардик, — дейди Қарши шаҳри Ойдин маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Мушарраф Жўраева. — Қанча идораларга кириб чиқишга мажбур эдик. Энди бунинг барчасига барҳам берилди. Айниқса, маҳаллага ижтимоий ҳодим бириктирилиши биз каби имконияти чекланганларга қулайлик таъдирди. Бунинг учун доим дуодумиз. Ҳар доим мутасаддилар аҳволимиздан хабардор бўлиб турибди. Керакли ёрдамчини аяшгани йўқ. Яқинда ҳукуматимиз томонидан бир миллион сўм ёрдам пули берилди. Бундан кўнглим тоғдек кўтарилди. Совуқ кунлар бошланиб, электрни ўйлаб юргандим. Бу мушкуллимизни анча осон қиладиган

бўлди. Ҳа, юртимизда қадр топиб, қаддимизни тиклашмиз.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 апрелдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишда эҳтижманд аҳолини давлат томонидан қўлаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш доирасида Қашқадарё вилоятида ҳам оилаларга 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам берилмоқда.

— Белгиланганидек, реестрларга киририлган, “маҳалла еттичилиги” ҳулосаси асосида ҳамда “маҳалла еттичилиги” томонидан қўшимча шақлан-тирилган рўйхатдаги фуқароларга моддий кўмак ажратилмоқда, — дейди Ойдин маҳалласи ижтимоий ҳодими Ёкутхон Ражабова. — Бу аҳолининг ижтимоий қатлами учун катта ёрдам бўлмоқда. Айниқса, имконияти чекланган фуқаролар бундан мамнун.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси масъуллари маълумотига кўра, ўтган йили вилоят бўйича фуқароларга 31 миллиард сўмдан ортиқ маблағ тўлаб берилган. Жорий йилда бу маблағ миқдори анча ортганини кўриш мумкин. Жумладан, бу йилги иситиш мавсумида 134 миллиард сўмдан ортиқ бир марталик моддий ёрдам пули берилиши режалаштирилган.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ТЎҚСОНБОСТИ:

МИРИШКОРЛАР ЕРГА УРУҒ
ҚАДАБ, ХИРМОНГА
БАРАКА ТИЛАМОҚДА

Беруний туманидаги “Бирлик” маҳалла фуқаролар йиғинида томорқадан самарали фойдаланиш учун имкониятлар яратилди. Тажрибали дехқон Йўлдош Наримбетов ташаббуси билан маҳаллада янги қишлоқ хўжалиги йўналиши очилди. У брокколи қарами етиштиришни йўлга қўйди. Шу тариқа ушбу пархезбон экин тури Қорақалпоғистон шароитида ҳам етиштирилиб, ички ва ташқи бозорда сотила бошлади. Натижада аҳоли даромади ошиб, қўшимча иш ўринлари очилмоқда.

Намунали томорқачи Йўлдош Наримбетов жорий йил августда 1,5 гектар майдонга қарам эккан эди. Ҳозир ҳар бир кўчатдан ярим килодан бир килогача ҳосил олмақда. Томорқачи 1,5 гектар майдондан жами 15 тонна ҳосил олишни мўлжал қилган. Асосийси, бу полиз экинини етиштириш бўйича тажриба бошқа маҳаллаларда ҳам йўлга қўйилмоқда.

— Брокколи витамин ва фойдали микроэлементларга бой полиз экини. Уни мунтазам истеъмол қилиш иммунитетни мустаҳкамлайди. Овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятини яхшилаб, холестеринни йўқотишга ёрдам беради, — дейди “Дўстлик” ордени соҳиби Йўлдош Наримбетов. — Қолаверса, брокколи қарами тез ўсади. Экилгач, 60-80 кунда йиғиб олиниши мумкин. Бир гектардан 15-20 тоннагача ҳосил беради. Муҳими, бозоргир. Шунинг учун ҳам истиқболли бизнес.

Беруний туманида 5 та асаларчилик хўжалиги бор. Аҳоли дала чети ва бог ораларида асалари боқиб, оиласига даромад олиб қирмоқда. Хусусан, туманнинг “Тинчлик” овул фуқаролар йиғинида яшовчи Пўлат Аметов асаларчиликда кўп йиллик тажрибага эга. У билими ва тажрибасини соҳага янги кириб қўлгаётган юртдошларимизга ҳам ўргатмоқда.

— Халқимиз асаларини етти ҳазинамизга қўйиб, бу гапнинг мазмунини гоёт теран. Чунки митти ҳашаротнинг жуда катта фойдаси бор. Қолаверса, мамлакатимизнинг табиий иқлим шароити асаларини илгор технология асосида экин майдонлари атрофида боқиб унча низоҳатда қўлай. Асаларининг асалидан ташқари, мумин, гулчанич, прополис, асалари сутти ва захри ҳам низоҳатда қимматбаҳо. Улар тиббиёт ва фармацевтика саноатида ноёб хомашё



Дехқон хазинаси

сифатида ишлатилади, — дейди Пўлат Аметов.

Президентимизнинг “Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, дала четлари, каналлар, сугорилиш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларда экспортбон экинлар экиш муҳим вазифа этиб белгиланган. Бу борада Беруний туманида муайян амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, бог қатор ораларига тўқсонбости экинлар экилмоқда. Шунингдек, мевади дарахларга шакл берилмоқда.

Туманда 577 гектар бог бор. Шундан 92 гектари тоқзор. Янги барпо этилган боглар майдон эса 87 гектар. Улардан 60 гектарига галла экиш имконияти мавжуд. Туман масъуллари мана шу жойлардан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилияпти.

Дехқончилик борасида берунийликларнинг ўзига хос тажриба мактаби шакланган. Шу кунларда моҳир миришкорларнинг меҳнати самара кўрсатяпти. Жумладан, “Навоний” овул фуқаролар йиғинида эришилган ютуқлар анча салмоқли. Дехқончилик — ҳудуднинг асосий драйверларидан.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчисининг айтишича, жорий йилда ҳудудда галла ўрнига экилган сабзавот ва полиздан юқори ҳосил олинган. Масалан, “Иzzат Жуманиязов” фермер хўжалиги аъзолари 3 гектарга сабзи, турп, шолғом, қарам каби сабзавотлар эккан. Ҳозир фермер ҳосилини йиғиб-териб олмақда.

Бундан ташқари, туман аҳли қорвачилиқда ҳам ўзига хос натижаларга эришяпти. Масалан, Сапаргул Жамалова семинтал ва годштейн зотли наслини қорамол боқадди. Ситирларнинг ҳар бири кунига 30-40 литр сут беради. Бу оила учун яхшигина

Франшизинг фаолиятида катта тажрибага эга давлатларда франшизинг шартномаси ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг асосийси лицензияр жисмоний шахс бўлиши мумкин эмаслиги ҳисобланади. Лицензияр сифатида фақат тижорат ташкилоти, яъни юридик шахс қабул қилинади. Бу комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқи фақат юридик шахсга тегишлилиги билан изоҳланади.

Миллий қонунчилигимизда, хусусан, Фуқаролик кодексидан комплекс лицензия шартномаси субъекти сифатида юридик ва жисмоний шахс ўртасидаги фарқ назарда тутилмаган. Айни пайтда комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси тарафлари бўлиб тадбиркор сифатида рўйхатга олинган юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам иштирок этиши мумкин.

Шу билан бирга, шартномада фойдаланувчининг тижорат сирини бемалол фойдаланишини таъминлаш учун ҳуқуқ эгаси амалга ошириши зарур бўлган ҳаракатларни кўрсатиб ўтиш керак. Яъни ҳуқуқ эгасининг муайян ҳимоя чораларини амалга оширишини белгиланган бўйича лозим. Хусусан, тижорат тажрибаси ва ноу-хау бўйича тегишли ҳимоя чоралари кўрилиши лозим. Бу ўринда шартномага “фойдаланувчи ҳуқуқ эгасининг тижорат сирини ташкил этувчи тижорат ахборотидан бемалол фойдаланиш” таърифини киритишни ўзи етарли бўлмайди. Тижорат сирини ҳимоя қилиш бутун бир локал, ички корпоратив ҳужжатлар пакетини қабул қилиш йўли билан амалга оширилади. Шунинг учун фойдаланувчига қайси махфий ахборот тақдим этилиши, маълумот аниқ қаерда ва қандай шаклда акс этганини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу шартноманинг ўзида ёки шартномага илова қилинган алоҳида битимда кўрсатиб ўтилиши мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, интеллектуал мулк объектиларини тижоратлаштириш самарадорлиги бўйича франшизинг аввалги ўринларда туради. Франшизинг тармогини ташкил этиш ўз мазмунига кўра ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш ва (ёки) машҳур компаниянинг маъсулотиини унинг фирма услубига ривож қилган ҳолда ягона товар белгисидан фойдаланган ҳолда сотиш ҳуқуқини бериш ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси, яъни франшизинг тижоратлаштириш жиҳатидан иқтисодий, интеллектуал мулк объектиларини муҳофазасига боғлиқлиги боис, ҳуқуқий элементларни ўзида бириштирган алоҳида шартнома тури ҳисобланади. Мазкур аралаш шартнома моделини тузиш, рўйхатга олиш ва бажарилишини барча жиҳатлари фуқаролик қонунчилиги билан қамраб олинган. Юзага келган низоларни судга ва суд тартибиди хал қилишнинг ҳуқуқий механизмлари яратилган. Айни пайтда маъмур тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқий механизмларни яратиш устида залворли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, бунда “инсон қадри учун” таъмилий акс этганини ҳам кўришимиз мумкин. Франшизинг бўйича низоларда апелляция кенгашлари қарорлари юзасидан манфадатдор шахс томонидан суд тартибиди шикоят қилиниши мумкинлиги, маъмурий органлар учун эса маъмур қарорлар қатъий ҳисобланиши ва уларнинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмаслиги белгиланиши ҳам бунинг яққол исботидир.

даромад дегани. Қаҳрамонимизнинг режаси катта. У замонавий фермер хўжалиги ташкил қилмоқчи.

Юртимизда тўқсонбости экинлар экишга ҳам жиддий эътибор бериляпти. Жумладан, Қорақалпоғистонда ҳосилдан бўшаган майдонларга, бог қатор ораларига совуққа чидамли сабзи, пиёз, саримсоқпиёз, ош лавлаги, қашни, петрушка, сельдерей, салатбарги каби кўчатлар тўқсонбости усулида экилмоқда.

Кузнинг қуёшли кунларидан унумли фойдаланиб, тўқсонбости усулида ерга уруғ қадаган дехқон ҳеч қачон ютқазмайди. Чунки айнан ана шу усулда экилган экинлар жуда эрта, қиш нисбатан илқ келган йилларда хатто февраль охириданик унуб чиқа бошлайди. Шу тариқа дехқонга яхшигина даромад келтиради.

Амударё туманида ҳам фермерлар бўш далага, аҳоли томорқасига, бог қатор ораларига иқлим шароитига мос сабзавотларни тўқсонбости усулида экишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, туманда богдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиқларининг 1096 гектар боғи бор. Шундан 20 гектарига тўқсонбости усулида экин экилмоқда.

Яқинда тумандаги “Улугбек Қосилбек” масъулияти чекланган жамияти тасарруфидида далада кўргазмали семинар ташкил этилди. Унда соҳа мутахассислари тўқсонбости усулида экин экиш сирлари билан ўртоқлашди. Хусусан, уруғ танлаш ва саралаш, далага ишлов бериш, экин экилган боғчи ихоталаш, сугорилиш ва озиқлантиришнинг муҳлатлари, ер музлаб, экинни совуқ урмаслиги учун ҳимоя усули каби зарур агротехник тадбирлар бўйича батафсил маълумот берилди. Шунингдек, Ўсимликлар қарантини ва ҳимояси агентлигининг Амударё тумани бўлими мутахассислари ҳашарот ва зараркуналдаларга қарши кураш чоралари бўйича маслаҳатлар берди.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Юксалиш одимлари

Самарқанд сессиясида тақдим этилган ташаббуслар доирасида “Сунъий интеллект мактаби” пилот лойиҳаси, инклюзив таълим механизмлари, касбий тайёргарлик ва креатив кўникмаларни ривожлантиришга бағишланган форумлар эътироф этилди.

Мавзунинг ва



unesco

КЕЛАЖАК ТУТАШГАН МАНЗИЛ

Бошланиши 1-бетда

Халқаро қўзғатувчилар ҳам Самарқандга билдирилган бу ишонччи мамлакатнинг кейинги йиллардаги маданий ва таълим сиёсатини эътироф этувчи омил сифатида талқин қилди. Расмий чиқишларда Ўзбекистоннинг жаҳон маданий меросини асраш, қадимий шаҳарларни қайта тиклаш, янги экспозициялар ва маданий марказлар тизimini яратиш бўйича ишлари алоҳида қайд этилди. Шунингдек, ЮНЕСКО билан 2023-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурида маданий мерос, таълим ислоҳоти ва инновациялар устувор йўналиш сифатида кўрсатиб ўтилди.

Самарқанддаги Бош конференция икки йўналиш кесимида вужудга келган ноёб майдон сифатида намойён бўлди. Бир томонда ЮНЕСКОнинг глобал мандатини ифода этувчи кўп томонлама музокаралар, бошқа томонда эса янги Ўзбекистон концепцияси асосидаги ислохотларнинг мантикий ва амалий натижалари.

Маданий мерос сиёсати

Ўзбекистонда маданий мерос масаласига эътибор янгича мазмун касб этмоқда. Бу йўналиш фақат тарихий обидларни тиклаш ёки музей фондини кенгайтириш даражасида бўлмай, жамиятнинг маънавий қатлами бийитиш, халқаро майдонда мамлакатнинг маданий салоҳиятини намойён этиш, иқтисодий ривожланишга замин яратиш вазифасини қамраб олмақда. ЮНЕСКО билан ҳамкорлик ана шу жараённинг асосий устунига айланди. Қатор халқаро ҳисобот ва расмий учрашуларда Ўзбекистоннинг мерос объектларини сақлаш ҳамда уларни омалаштириш бўйича ташаббуслари алоҳида эътироф этилди. Айниқса, тарихий шаҳарлар бўйича қилинган реставрация ишлари, археологик ёдгорликларни илмий паспортлаштириш жараёни, номоддий меросга оид рўйхатлар кенгайтириш халқаро доирадаги баҳолашларда ижобий кўрсаткич сифатида қайд қилинди.

Мамлакатимиздаги сиёсий ёндашув ҳам узлуқсиз такомиллашмоқда. Хусусан, Маданий мерос агентлиги ташкил этилди. Унга музейлар, архивлар, тарихий ҳудудларни бошқариш, реставрация лойиҳалари ва илмий асос бериш каби вазифалар юклатди. Бу институтлашув маданий сиёсатга тартиб-ли механизм олиб кириб, давлат ва жамият иштирокини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Кўпблар тарихий ҳудудларнинг қайта тикланиши, янги экспозицияларнинг яратилиши, маданият соҳаси бўйича халқаро лойиҳаларда фаоллашув ана шу тизимли ёндашув билан бевоқифа бўлди.

Самарқандда ўтган анжуман бу жараён кенг миқёсда тан олинганини кўрсатди. Унда нафақат моддий объектлар, балки тил, анъана, ҳунармандчилик, халқ оғзаки ижоди, та-

рихий хотира шакллари каби номоддий меросни асраб-авайлаш масаласи кун тартибига чиқди. Ўзбекистон мазкур йўналишда ҳам фаол қатнашиб, меросни рақамлаштириш, архивларни очик маълумот форматига ўтказиш, тарихий шаҳарлар бўйича илмий марказлар фаолиятини кучайтириш таклифини илгари сурди.

Шу билан бирга, бу борада ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Айрим тарихий ҳудудлар бўйича реставрация ишлари мураккаб ва кўп босқичли бўлиб, илмий методология, жамоатчилик иштироки, манбашунослик асосларига қатъий риоя этиш каби талаблар кучаймоқда. Рақамлаштириш дастурлари кенгайтириш сайин архив тизими, техник инфратузилма ва малакали мутахассисларга эҳтиёж ортмоқда. Чунки иқтисодий ресурс сифатида фаол ишлатиш сиёсати ривожлантирган бир шароитда туризм босими, шаҳарсозлик жараёни, экологик барқарорлик каби масалаларда эҳтиёткорлик тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон маданият ва мерос соҳасида аллақачон янги босқичга чиқди. Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар кўнакчан, номоддий мерос рўйхатлари бойинан, халқаро ҳамкорлик кенгайтириш ва рақамли архивлаш ишлари жадал ривожланмоқда. Самарқанддаги сессия ушбу жараённинг йирик глобал минбарда тан олиниши бўлиб, мамлакатнинг маданий сиёсатини янада пухта ва тизимли давом эттириш учун мустаҳкам пойдевор яратди.



Таълим ва илм-фанда трансформация жараёни

Таълим тизими ўзгаришининг локал ва глобал босқичлари дастлаб мақсад ва йўналишларни аниқлашдан бошланади. Шунга қўра, таълимдаги тўб ўзгаришлар бир неча жиҳатда намойён бўлмоқда.

Биринчи жиҳат — ўқитувчиларнинг тайёргарлиги ва касбий ривожланиш тизimini такомиллаштириш. 2025 йил 9 июль

куни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда ЮНЕСКО ўртасида имзоланган янги битим ушбу йўналишда ўқитувчиларни тайёрлаш тизimini янгилашга йўл очди. Тўрт йилда 6,5 миллион доллар миқдоринда инвестиция киритиш кўзда тутилган ва унда ўқитувчилар учун янги амалиёт имкониятлари, замонавий дарс методлари ҳамда таълим ресурслари яратиш кўзда тутилган.

Иккинчи жиҳат — маълумот ва назорат тизимларининг такомиллашуви. Ўзбекистонда 2025 йил 14 май куни ЮНЕСКО томонидан Марказий Осиёда биринчи бўлиб таълим маълумотлари тизimini баҳолаш вазифаси (EMIS PATT) жорий этилди. У таълим маълумотлари инфратузилмаси, маълумотлар базаси, таҳлил ва маълумот тарқатиш тизимлари бўйича муаммоларни аниқлаш ҳамда асосли қарор қабул қилиш имконини беради.

Учинчи жиҳат — рақамли трансформация ҳамда замонавий касбий тайёргарлик йўналишлари кенгайтириш. Самарқанд сессиясида тақдим этилган ташаббуслар доирасида “Сунъий интеллект мактаби” пилот лойиҳаси, инклюзив таълим механизмлари, касбий тайёргарлик ва креатив кўникмаларни ривожлантиришга бағишланган форумлар эътироф этилди.

Трансформация жараёнининг таълим ва илм-фан босқичида юзага келаётган салоҳияти таҳлил қилинса, уч йўналиш яққол кўзга ташланади.

Биринчиси — ўқитувчилар ва мактаблар ўқитиш сифати учун асосий омилга айланиши. Маълумотлар таҳлили, методик қўлланмалар, менторлик тармоқлари орқали ўқитувчилар малакаси оширилмоқда. Бу эса таълим натижалари билан бевоқифа бўлди.

Иккинчиси — маълумот ресурслари ва бошқарув тизимлари замонавий стандартларга мослашмоқда: маълумотларни рақамлаштириш, тизимли таҳлил этиш ва қарорларни далилларга асосланб қабул қилиш имконияти кучайди.

Учинчиси — касб ва рақамли кўникмаларни ривожлантириш орқали тизим дунё стандартларига мослаштириш.

Таълим ва илм-фандаги трансформация жараёни Ўзбекистонга келажақда мустаҳкам инсон капитали яратиш, инновация асосида ривожланиш йўлини танлаш имкониятини бериши мумкин.

Давомли манфаатдорлик

Самарқандда ўтган ЮНЕСКО Бош конференцияси Ўзбекистон учун қисқа муддатли протокол муваффақияти билан чекланмайдиган, анча чуқур ва узоқ давом этадиган имкониятлар мажмуини очди. Бу имкониятлар бир пайтнинг ўзида уч йўналишда — иқтисодий, маданий ва дипломатик майдонларда шаклланимоқда. Уларнинг ҳар бири ислохотлар жараёнига янги маъно қўшади.

Иқтисодий нуқтаи назардан, “Silk Road Samarkand” сайёҳлик мажмуаси атрофида юзага келган янги динамика алоҳида қайд этиш мумкин. Бу мажмуа қурилишига 580 миллион доллардан ортиқ инвестиция йўналтирилгани, лойиҳада ўн минглаб мутахассис ишлагани эътиборга молик. 2024 йилда мажмуа меҳмонхоналарида тунаб қолган сайёҳлар сони 80 мингдан ошиб, аввалги йилдагига нисбатан қарий 50 фоиз ўсиш қайд этилгани ҳам ана шу инфратузилманинг сайёҳлик оқимида таъсирини далолат беради. Ушбу рақамлар меҳмонхона бандлиги ёки хизматлар бозоридagi жонлишни билан бир қаторда янги иш ўринлари очилиши, маҳаллий тадбиркорлик кенгайтириш, хизматлар экспорти, логистика ва транспорт тармоқларига юклама ортгани билан ҳам боғлиқ, ЮНЕСКО конференциясига меҳмонлик қилган шаҳар энди халқаро конгресслар, форумлар, илмий анжуманлар учун синоддан ўтган майдон сифатида қўрилади. Бу эса келгусида бошқа йирик тадбирларни жалб этиш имконини кучайтиради.

Маданий соҳада имкониятлар янада рағбаранг. Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги узоқ йиллик ҳамкорлик натижасида беш тарихий мажмуа Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Бу рўйхат муттасил кенгайиб бораётгани ҳақидаги маълумотлар расмий равишда эълон қилиб келинади. Самарқанд анжумани бу ҳамкорлиқни янги даражага олиб чиқди: Бухорода ўтказилган халқаро санъат биеналеси, тарихий ҳудудларда ташкил этилаётган кўргазмалар ва перформанслар мамлакатимизнинг замонавий санъат орқали ўзини намойён қилиш услуби шаклланаётганидан далолат. Бу тадбирлар орқали мерос шунчаки музей витринаси ортида қолган статик манзара ҳолатида тушунилмайдиган, аксинча, ижодий тажрибалар ва янги маъно қатламлари учун очик маконга айланади. Шундай ёндашув ёшлар учун янги касб ва компетенциялар майдонини яратди, реставрация, кураторлик, маданий менежмент, креатив индустриялар соҳаси бўйича ички бозор шаклланишига туртки беради.

Дипломатик майдонда эса Ўзбекистоннинг юмшоқ куч стратегияси сезиларли даражада кучаймоқда. Таҳлилий мақолалар ҳамда илмий ишлар мамлакатимизнинг ташқи сиёсатда маданий дипломатия, санъат ва меросга таянган концепцияси тобора кучайиб бораётганини кўрсатади. ЮНЕСКО билан ҳамкорлик бўйича расмий шарҳларда ҳам Ўзбекистоннинг кейинги йилларда халқаро нормалар ва тамойилларни таълим, фан, маданият, оммавий ахборот воситалари соҳаларига изчил қаттиб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Яқунда қабул қилинган резолюцияда Ўзбекистон халқига ва ҳукуматига “фавқулодда меҳмондўстлик ва юқори даражадаги ташкилотчилик” учун миннатдорлик билдирилгани эса дипломатик капитал ошганидан далолат. Бу турдаги сиёсий ишоралар халқаро ташкилотлар, донорлар ва инвесторлар кўз ўнгига Ўзбекистоннинг ишончлили даражасини оширади, узоқ муддатли ҳамкорлик лойиҳалари учун психологик ва институционал замин яратди.

Бекдавлат АЛИЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор,

Исломбек РАҲМОНБЕРДИЕВ,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори

Инновация

ИХТИРОЧИ ЎҚУВЧИЛАР

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА НАВБАТДАГИ ҚУРИЛМАНИ ТУҲФА ЭТЯПТИ



Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчи қизларининг инновацион лойиҳаси — “Clima Sense” автоматлаштирилган мониторинг тизими муассасанинг биринчи ютуғи эмас. Таълим даргоҳи кўпблар танловлардаги ютуқлари билан туман, вилоят ва республика миқёсида ҳам эътироф этилади.

Мактабнинг технология фани ўқитувчиси Соҳида Қобулова бошчилигида ўсимлик уруғларини бир суткада ундириш тажрибаси — “Seed House” (уруғхона) инновацион қурилмаси ҳам юртимиз бўйлаб танилган. Муқобили бўлмаган, “яшил” энергия асосида ишлайдиган мазкур қурилма амалиётга таъбиқ этилган. Зеро, энг секин униб чиқадиган маккажўхори уруғини ҳам 24 соатда ундиришга эришиш ҳар қандай фермер ёки дехқоннинг ютуғи. Чунки ерга қадалган уруғнинг бир кун барвақт униси ҳам дехқончиликда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун тўлиқ роботлаштирилган тизим орқали бошқариладиган, икки мингта яқин сабзавот ва ўсимлик уруғининг 99 фоиз униб чиқиши-

ни таъминлайдиган бу қурилмага кўпчилик қизиқиш билдирапти. Шундан келиб чиқиб, инновацион уңдирилган ниҳолларни мактабнинг чоргоқига иссиқхонасида экиш бора-бора тумандаги фермер хўжалиқларига ҳам етказиб бериш ишлари бошлаб юборилган. Қишлоқ хўжалигини интенсификаштиришга ҳаракат қилинаётган айна пайтда бундай тажриба уруғчиликда жаҳоннинг қимматли генфондини сақлаб қолиш ҳамда ундан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Ихтирочи ўқувчиларнинг “Бу лойиҳамиз ортидан даромад ҳам олаёмиз”, деган гапи қишгида ҳайрат уйғотди.

Навбатдаги “Clima Sense” (иқлимни олдиндан сезувчи) лойиҳаси ҳам Соҳида

Қобулова бошчилигида мактабнинг технологияларга қизиқувчи ўқувчилари — Нафиса Дилмуродова, Муаззам Набижоновна томонидан ишлаб чиқилди. Қурилма атроф-муҳитдаги ҳолатни реал вақт режимида кузатиш ва фавқулодда ҳолатлар юзага келиши эҳтимоли ҳақида олдиндан огоҳлантиришга мўлжалланган.

Муаллимнинг айтишича, мазкур мосламага ўрнатилган сенсорлар ҳарорат, намлик, шамол кучи ҳамда бошқа метеорологик кўрсаткичларни аниқлик билан ўлчаб боради. Олинган маълумотлар Ардуино ёки ESP32 микроконтроллерлари орқали қайта ишланади. Агар параметрлар олдиндан белгиланган меъёрлардан ошса ёки пасайса, тизим автоматик тарзда дисплейга огоҳлантирувчи маълумотни чиқаради ҳамда овозли сигнал беради. Қурилмага уланган СМС модуль ёрдамида фойдаланувчига масофавий хабарнома юбориш мумкин. Бунда инновацион тизимнинг амалий аҳамияти юқори бўлиб, метеорологик ўзгаришларни эрта аниқлаш орқали табиий офатлар хавфини камайтириш, экинлар учун оптимал микроклимат яратиш, иссиқхоналарда энергия самарадорлигини ошириш ҳамда аҳоли хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашади.



Юртимизда ёшларнинг ихтирочилик қобилиятини ривожлантириш, хусусан, АТ ва робототехника соҳаларига жуда катта эътибор берилляпти. Бу ўқувчилар учун ҳам янги

имкониятларни очяпти. Мактабда айнан шу соҳаларга алоҳида эътибор қаратилади. Натижада турли стартап лойиҳалар амалга ошириляпти. Янги лойиҳа иқлим ўзгаришини

олдиндан огоҳлантирувчи тизим. Тўғри, бундай хизмат қўзғатувчи алоҳида ташкилотлар бор. Бирок бу хизмат республикаимиз бўйича умумий маълумотларни беради. Қурилма эса муайян ҳудуд об-ҳавоси ҳақидаги маълумотларни фермер ва дехқонларга индивидуал тарзда етказиб туради. Шу маънода, лойиҳа иқлим ўзгариши туфайли юзага келадиган, саломатликка салбий таъсир қўзғатуви омилар, табиатга етказилаётган зарарларни камайтиришда жуда қўл келади. Яъни қурилма ёрдамида дехқонлар энг экиш ва йиғиштириб олиш жараёнини олдиндан режалаштириш мумкин.

Лойиҳа учун турли узаткичлардан фойдаланилган. Жумладан, электр манбаини тежаш мақсадида қуёш панеллари қўлланган. Бу электр манбаини тўплаб, лед лампалар ишлатишда ёрдам беради. Ёмғир узаткичи қутиллаётган ёғин ҳақида огоҳлантириб, бу ҳақдаги маълумотни дисплейда кўрсатади. Буг узаткичи эса шўрланиб кетган ерларни намлантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, қурилмада ҳавонинг намлиги, ҳароратини аниқловчи узаткичлар ҳам мавжуд.

Бугун ёшларнинг ақлий салоҳияти, технологик билимдонлиги катта авлод вакиллари ҳайратга солаётгани рост. Уларнинг бу борадаги билимларни жуда тез ўзлаштириб олиши бениҳоя қизиқиш, янгилликка интилишдан далолат. Ёшларнинг иқтидори, гоёларидан унумли фойдаланиш орқали юқоридagi каби манфаатли лойиҳаларнинг ҳаётимизга қайи келишига эришиш мумкин. Айниқса, Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ташкил этган “Ихтирочиликка қадам” танлови ижодкор, билимга чанқоқ, ихтирочи ёшларни кашф этишга муҳим омил бўляпти. Шунингдек, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамкорлигидаги “Рақамли авлод қизлари” танлови ҳам юзлаб янги стартап эгаларини юксак марралар сари руҳлантирапти.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



У шундай даражага эришдики, ёшу қари, шахсан таниса-танимаса, исмининг ортига “ота” кўшимчасини қўшиб, “Мираббос ота” дейдиган бўлди. Бундай саодатга етиш — халқ меҳри ва эътирофига эришишнинг ўзи бўлмаган, албатта. Энди, тақдир экан, Мираббос Мирзаахмедов ҳақида, қанчалар оғир бўлмасин, ўтган замон тилида гапиришга маҳкуммиз. Миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг атоқли намояндаси, машҳур режиссёр ва телебошловчи, миллий телевидениеда ўз мактабини ярата олган Мираббос Мирзаахмедовнинг вафоти ҳақидаги хабар миллионлаб кўнгилларга қайғу солгани бор гап.

Унга 60 йилдан ортиқ вақт мобайнида бир соҳа — телевиденининг турли йўналишларида жонбозлик кўрсатиш насиб қилди. Бир эмас, бир неча авлод унинг ижод маҳсули бўлган кўрсатувлар билан улғайди. Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон телерадиокорпорациясида режиссёр ёрдамчиси сифатида бошлаган истеъдодли санъаткор режиссёр, бош режиссёр, олий тоифали режиссёр, “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” кўрсатуви режиссёри ва бошловчиси сифатида самарали хизмат қилди. Устоз режиссёрнинг бевосита раҳбарлигида долзарб мавзу ва жанрларда тайёрланган эшиттириш ва кўрсатувлар, бадий видеофильмлар миллий руҳи, теран мазмуни, халқчилиги билан миллионлаб мухлислар қалбидан ўрин олди.

Ўзбекистон телевидениеси фахрийси Мираббос Мирзаахмедовнинг бой ва сермақсул мероси орасида у тасвирга берган “Баҳор қайтмайди”, “Исламкан”, “Қалбингга қулоқ сол”, “Баҳс”, “Уч илди”, “Дунёнинг ишлари”, “Инсон садоқати”, “Биллур қандиллар”, “Эътироф” каби элликдан ортиқ видеофильм, шунингдек, “Буни ҳаёт дейдилар” туркумига кирувчи кўрсатувлар алоҳида ўрин тутди. Бу ижодий ишлар ўз даврининг ёрқин телефильмлари ва кўрсатувлари сифатида маданиятимиз хазинасидан муносиб жой эгаллаган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ботир Муҳаммаджонов эл кўзидagi актёр. Уни ҳаётда “Кичик роҳлар бўлмайдилар, фақат кичик актёрлар бор, ҳоло”, деган шiori

Хотира

МЕҲР-ОҚИБАТНИНГ ЧИН ТАРҒИБОТЧИСИ ЭДИ

УСТОЗ МЕНГА, ҚОЛАВЕРСА, ҲАР БИР АКТЁРГА ОТАДЕК МЕҲРИБОН ВА ҒАМХЎР ЭДИ. СЦЕНАРИЙ БИЛАН ИШЛАШГА ЖУДА ТАЛАБЧАН БЎЛГАН. БИЗНИНГ АВЛОДДАГИ АКСАРИЯТ САНЪАТКОРЛАРДА ҚАНДАЙ ЯХШИ ФАЗИЛАТ ВА ХИСЛАТ БЎЛСА, БУ МИРАББОС АКАНИНГ ХИЗМАТИДИР.

бахт эди. Менинг оз бўлса-да, элга танилишимда Мираббос аканинг хизматлари жуда катта. Кичик эпизод роллардан то асосий қаҳрамонларни гавдалантиришга муваффақ бўлдим. Устоз менга, қолаверса, ҳар бир актёрга отадек меҳрибон ва ғамхўр эди. Сценарий билан ишлашга жуда талабчан бўлган. Бизнинг авлоддаги аксарият санъаткорларда қандай яхши фазилат ва хислат бўлса, бу Мираббос аканинг хизматидир.

Дарҳақиқат, бутун умр доимо изланиб, халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб келган заҳматкаш ижодкор ўзига хос маҳорат ва тажриба мактабини яратиб, кўплаб ёшларга устозлик қилди. Шу ўринда яна бир гап: кўпчилик билмас, Мираббос ота ўз вақтида болалар драма тўғрагига ҳам раҳбарлик қилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, халқимизнинг “Шум бола”си Абдураим Абдуваҳобов ҳам ана шу тўғрақдан учирма бўлган.

Мулоҳаза

Оила — жамиятнинг устуни, унинг барқарорлиги эса, шубҳасиз, кўп жиҳатдан ота шахсига боғлиқ. У адолат, масъулият ва меҳр тимсоли, фарзанд учун ҳаёт мактабидаги илк устоз. Масъулиятли оталик юксак маънавий қадрият бўлиб, авлодлар давомийлиги ва миллат тараққиётида муҳим ўрин тутди. “Ота бор уйда тартиб бор, меҳр бор” ҳикмати ҳам шу ҳақиқатни ифодалайди. Ҳадисларда фарзандингизга яхши исм, яхши тарбия беринг ва ҳалол ризқ билан боқинг, дейилган. Бу сўзлар, шубҳасиз, оталикнинг маънавий моҳиятини очиб беради.

Замонавий даврда оталик янги мазмун касб этмокда: у нафақат моддий таъминловчи, балки фарзандининг руҳий суянчи ва ҳаётдаги илк идеали бўлиши лозим. Ўзбекларда ота ҳурмати, меҳрибон ва адолатли инсон сифатида эъзозланади. Шу боис, ёшларни масъулиятли оталикка маънавий тайёрлаш жамият тараққиётининг муҳим йўналишидир.

Оталик фақат болага ном бериш ёки моддий таъминот эмас, балки унинг қалбига муҳаббат, виждон ва инсонийлик уруғини сочиш ҳамдир. Ҳақиқий ота боласига меҳр ва ҳаёт сабогини беради. У фарзандига куч эмас, балки ирода, ахлоқ ва инсоний қадриятларни мерос қолдиради. Отанинг ҳаёти — фарзанд учун дарслик деган ибора ҳам шу маънони англатади. Бола соғлом ўсиши, руҳан пок бўлиши ва оила муҳити мустақамлиги айнан ота меҳри, сўзи ва амали орқали таъминланади.

Ўзбек халқи маънавиятида ота сиймоси доимо улуг. Ҳар бир хонадонда “ота” деган сўз эҳтиром ва ҳурмат билан тилга олинади. Бу сўз нафақат шахсга, балки бутун оила устуворлигига, тартиб-интизом ва масъулият рамзига айланган. Халқ озаки ижодида “Ота дунёда нур”, “Ота бор уйда ор бор”, “Отанинг дуоси — боланинг қуёши” каби иборалар беқор айтилмаган.

Эрур орқали халқ оталикни маънавий ёруғлик, ҳимоя ва ибрат манбаи сифатида кўрсатган.

ОТА МАСЪУЛИЯТИ

ИБРАТГА АСОСЛАНГАН ТАРБИЯ ЕТУК ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИДИР



Ҳадислардан бирида бундай дейлади: “Аллоҳнинг розилиги ота-онанинг розилигидир, Аллоҳнинг ғазаби ота-онанинг ғазабидир”. Бу сўзлар оталикнинг фақат дунёвий эмас, балки маънавий мақомини ҳам намоён этади.

Манбаларда ота фарзанд тарбиясига масъул экани таъкидлангани билан бирга унинг фарзанда ҳақлари ҳам борлиги келтирилади. “Ота-онанинг фарзанди устида қанақа ҳақлари бор?” деб сўралганда, Имом Насафий бундай дейди: “Ота-онанинг фарзандлари устида саксон ҳақи бор. Қирқтаси ҳаётлигида, қирқтаси вафотидан кейин. Ҳаётлигидаги қирқ ҳақдан ўнтаси бадан билан, ўнтаси тил билан, ўнтаси қалб билан, ўнтаси пул биландир”.

Аждодларимиз ота сиймосини қуврат, адолат ва меҳр тимсоли сифатида тасвирлаган. Масалан, “Алпомиш”, “Тўрўғли” каби эпосларда ота фарзанд учун намуна, руҳий қувват ва жасорат манбаи сифатида намён бўлади. Ҳар бир халқдаги қаҳрамонлик руҳи ҳам, аввало, уларнинг ибрати билан шаклланади.

Ўзбек адабиётинида ота образи фақат оилавий ёки шахсий муносабат рамзи эмас, балки миллатнинг маънавий таянчи, барқарорлик ва бурч ифодаси сифатида жонланади.

Масалан, Алишер Навоий асарларида “ота” сўзи “устоз”, “пешво”, “ҳимоячи” маънолари билан уйғун ҳолда келади. Унинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида жамиятдаги одил раҳбар ҳам “ота” тимсолида ифода этилган бўлиб, бу орқали оталикнинг маънавий юксаклиги таъкидланади.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ижодида ота меҳнатсевар, сокин, лекин ички дунёси жуда бой инсон сифатида гавдаланади. Шоир “Ота” шеърда болалик хотираси

орқали жасорат ва сукут ортидаги меҳрни жонли ифода этади:

**Болалигим — ота бағри,
Дунё шунча кен эди...**

Ҳалима Худойбердиева шеърларида эса оталик руҳий суянч, ишонч ва ҳаётдаги барқарорлик рамзи сифатида таърифланади. Унинг “Отанг бор” шеърда:

**Отанг бор — дунёда ғаминг йўқ,
Унинг дуосини қувват ол.**

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ота ва фарзанд муносабатларининг нозик ва самимий жиҳатларини ёритади. “Ота дуоси” асарида асосий эътибор отанинг фарзанд учун қанчалик эзгу ниятда бўлишига, моддий бойлиқдан кўра фарзанднинг соғлиғи, бахти ва тинчлиги муҳим эканига қаратилган:

**Уғлим сўрамасман сендан мол-дунё,
Уй ҳам қуриб берма, майли, аломат.
Майли, қўларимга бўлмағил зиё,
Ёнимда юрсанг бас соғу саломат.
Майли, кўтармағил менг елкамда,
Қалқон ҳам бўлмағил ёнга маломат.**

**Бир кун ёстиққа бошим текканда,
Тепамда турсанг бас соғу саломат.**

Бугунги кунда ҳам оталик қадриятларини тиклаш, оилаларда отанинг ролини кучайтириш миллий маънавиятни мустаҳкамлаш билан баробар вазифадир. Чунки замонавий ҳаётда оталарнинг иш билан бандлиги ёки тарбиядан четда қолиши айрим оилаларда бола ва ота муносабатларини заифлаштирмокда.

“Ота — уй таянчи” ҳикмати мазмуни жуда чуқур ва ҳаётӣ. Уйнинг деворлари ота қўли билан қўтарилса-да, унинг руҳи ва барқарорлиги отанинг шахсияти, адолати ва меҳри билан туради.

Маънавий жиҳатдан “уй таянчи” дегани оиланинг барқарорлиги, барча аъзоларнинг руҳий ҳимояси ва жиғислиги демакдир. Агар ота адолатли, меҳрибон ва қатъиятли бўлса, бу ҳол бутун оила муҳитига ижобий таъсир кўрсатади. Фарзанд ўз отасининг гапида нафақат куч, балки меҳр ва ҳаётӣ таъриқбани ҳис этади. Бу тушунча ижтимоий маънода

ҳам муҳим. Боиси, ота меҳнати ва масъулияти нафақат оила, балки бутун жамият барқарорлигига хизмат қилади. Зеро, мустаҳкам ота — мустаҳкам оила, мустаҳкам оила эса мустаҳкам жамият демакдир.

Маънавий таянч вазифасини бажариш учун оталарнинг ўз устида ишлаши, замонавий педагогик ва психологик bilimларга эга бўлиши ҳам айн мудио. Чунки бугунги бола ахборот оқимида ўсмоқда ва унинг руҳий дунёсига етиб бориш учун отанинг билмдонлиги, ҳиссий мулоқот маданияти ва ибратли шахсияти зарур.

Сўнгги пайтларда оталикка нисбатан салбий муносабат бир оз кучаяётгандек: айрим ўрваонлик ҳолатлари барча эркакларга нисбатланиб, оталик қадрини ҳаминқадар пасайтиришга уринишлар бўлаётгандек. Аслида эса эркак оила устуни ва жамият барқарорлиги таянчи эканини унутмаслик лозим.

Меҳрибонлик ва адолат оталикнинг асосий устуниларидир: меҳрсиз адолат қаттиққўлликка, адолатсиз меҳр бўшликка олиб келади. Шунинг учун ота талабчанлигини меҳр билан уйғунлаштириб, жазолаш эмас, тушунтириш орқали тарбия бериши керак. Шунда оилада тартиб ва ишонч муҳити қарор топади.

Замонавий оталикнинг яна бир асоси фарзанд билан дўстона, бироқ масъулиятли муносабат ўрнатилиш ҳисобланади. Илгари ҳурмат сабабли масофа сақланган бўлса, бугунги кунда руҳий яқинлик муҳим. Ота дўст эмас, балки болага ҳаёт йўлдоши бўлиши керак. Бироқ бу эркинлик масъулиятсизликка айланмаслиги, ота хатони тушунтириб, ҳал этишга ўргатиши зарур. “Ота сўзида салмок бўлсин”, деган ҳикмат ҳамон долзарб.

Анъанавий “Ота сўзи қарорли бўлади” тушунчаси оиладагиларнинг фикрини инкор этишини англатмайди. Ҳақиқий эркаклик ўз фикрида туриш билан бирга бошқаларни тинглай билишдир. Замонавий ота шериклик ва ҳурмат асосида муносабат қуриб, фарзандига “Эркак — ҳурматли, лекин меҳрибон бўлиши керак”, деган намуна кўрсатади. Ота-онанинг ҳамжиҳатлиги болада хавфсизлик ва ишонч туғйисини шакллантиради. Қиз бола онага ҳурмат билан муносабатда бўлган отадан севги ва ҳурматни, ўғил бола эса масъулият ва ҳимояни ўрганади. Бундай ота ҳақиқий эркаклик маданиятини ифода этади.

Ота меҳрибон бўлса, фарзанд ўзини хавфсиз, қадри ва ишончли ҳис қилади. Бу эса боланинг ички ҳиссий барқарорлигини таъминлайди, уни руҳий жиҳатдан кучли, масъулиятли ва мустақил шахс этиб тарбиялайди. Америкалик психолог Майкл Ламбнинг тадқиқотларига кўра, оталарнинг меҳри ва эътиборини ҳис қилган болаларда ижтимоий фаоллик, ишонч, мулоқотта

эдим. Фильмга кастингдан ўтганимдан сўнг асарни қайта ўқиб чиққанман. Учинчи синфда ўқиб юрганимда “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” телекўрсатуви бошловчиси, режиссёр Мираббос Мирзаахмедов бошчилигидаги драма тўғрагига қатнашардим. Актёрликка, қолаверса, санъатга шу инсон мени ошурфта этган. Юқоридаги кастинг учун Қоровой ролига мени Мираббос ака тавсия қилган. Мен яратган Шум бола образини томошабинлар яхши кутиб олганидан сўнг тўғарак раҳбарининг қўллаб-қувватлови билан санъаткор бўлиш ҳақидаги қарорим янада қатъийлашган.

Таникли санъаткор, самимий ва камтарин инсон, ёшларнинг меҳрибон устуни мамлакатимиз маданияти ва санъатини ривожлантиришни ҳаётининг мазмуни деб билди. Устоз умрининг охиригача “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” дастури бошловчиси ва бадий маҳсаботчиси сифатида самарали фаолият юритиб келди. Мираббос Мирзаахмедовнинг бебаҳо ижодий сабоқлари ва ҳаётӣ ўғитлари шоғирдлари, ҳамкасблари ва миллионлаб томошабинлар дилларида ўчмас из қолдирди.

Мираббос Мирзаахмедов ижодида халқимизнинг яна бир сеvimли кўрсатуви — “Телевизион миниатюралар театри” ҳам алоҳида ўрин тутди. У ўнлаб интермедиялар, кулги, сатира ва юморга бой сахна асарларини экранлаштирган. Айниқса, 1980 йилда Мираббос ака режиссёрлик қилган “Ёз хангомаси” комедияси телевидение “олтин фонди”ни ҳамон безаб турибди. Эл ардоғида бўлган Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, Ҳусан Шарипов, Воҳид Қодиров, Хайрулла Саъдиев каби актёрлар ижросидаги образлар, уларнинг тилидан айтилган иборалар томошабин меҳрини қозониб, ҳамон давраларда эсга олинади.

Заҳматлари ортидан Мираббос Мирзаахмедов “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони, “Меҳнат шухрати” ва “Дўстлик” орденлари соҳиби бўлиш, энг асосийси, халқимиз қалбидан чуқур ўрин олишга мушарраф бўлди.

Мираббос Мирзаахмедов вафоти муносабати билан давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан билдирилган ҳамдардликда бундай сатрлар бор:

“М.Мирзаахмедов ўзининг нуруний ва доншманд киффаси, кўп йиллик билим ва тажрибаси билан марказий телеканаларимиз орқали 40 йилдан бугун намойиш этиб келинаётган “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” кўрсатувиға янгича руҳ ва мазмун олиб кирди ҳамда ушбу дастур орқали жамиятимиз ҳаётдаги ижтимоий-маънавий муаммоларга жоамотчилик эътиборини қаратиш, эл-юртимиз, айниқса, ёшлар ўртасида оила ва Ватанга муҳаббат, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат ғояларини тарғиб этишга катта ҳисса қўшди”.

Ушбу қўшилган катта ҳиссани эса ҳали узок йиллар яна кўплаб авлодлар фаҳр билан эътироф этади.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири